O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Ушбу сонда:**

**Ҳар бир оилага** кафолатланган турмуш шароитини яратиш ҳаракати фаолият мазмуни

**Кафолатли ҳуқуқ бўлса, манфаатдорлик** ҳам бўлади, тадбиркорлик ривожланиб, даромад кўпаяди — 2

**Ота қувончи** ...Ўғлининг иншосидан кўчирмалар олиб, таҳририятга юборган отанинг қувончи

**Янги канцлер, янги ҳукумат** ҳукуматда ҳам, партияда ҳам биринчи раҳбар аёл — 3

**Ортиқча такаллуф** меҳмон кутишда жоизми?..

**Курси** ...Наҳотки амал курсисини деб ўзининг туғишган укасидан ҳам тонса?! (ҳикоя) — 4

Инсон манфаатлари — олий қадрият

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2005 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 48 (544) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

*Ҳамкорлик риштлари*

## Аср иншооти

деб эътироф этилаётган «Тўпаланг» сув омбори ва ГЭС қурилишида россиялик мутахассислар ҳам бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда.





*Мазкур иншоотнинг лойиҳавий сув сиғими 500 миллион куб метрга тенг. Ҳозир бу ерда икки улкан тоғ тўсилиб, йирик сув омбори ва қудратли ГЭС бунёд этилмоқда. Айни кунларгача тўғон баландлиги 110 метрдан ошди. Узунлиги 13,5 километр.. Фойдаланишга топширилгач, 37 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади. 90 минг гектардан ортиқ майдоннинг эса сув таъминоти яхшиланади.*

1994 йилда бошланган йирик иншоот – «Тўпаланг» гидроэлектр станциясининг лойиҳавий қуввати 175 меговаттни ташкил этади. У бир йилда 514 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу — мамлакат энергия тизимида юқори кўрсаткичлардан бири.

Ўтган йили бу ерда 9 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса, жорий йил охиригача 10 миллиард сўмга яқин юмушлар уддаланади. ГЭСнинг доимий фаолияти учун секундига 140 куб метрга яқин ҳажмда сув зарур. Шунинг учун бу ерда яқин бир ой ичида соатига 15 меговатт электр энергияси ишлаб чиқарадиган иккита кичик агрегат фойдаланишга топширилади.

Қурилишда ҳозирги кунда қурувчиларимиз билан ҳамкорликда россиялик мутахассислар ҳам бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилишаяпти. Зеро, республикамизнинг «2010 йилгача бўлган даврда энергетика қувватларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури»нинг муваффақиятли амалга оширилишида иттифоқчимиз — Россия Федерацияси билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Москва шаҳридаги «Силовые машины» ОАЖ ходимлари шу кунларда ГЭСнинг икки энергоблокини монтаж қилмоқда. Россия компанияси билан бирга технологик ускуналар монтажини «Ўзбексувэнергоқурилиш» трести бажараяпти. Йилига 63 миллион квт.соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи мазкур энергия блоклари яқинда ишга тушади. Бу қурилишнинг фақат биринчи босқичи бўлиб, ГЭСда умумий қуввати 175 мвт. бўлган 4 та энергия блоки монтаж қилиниши режалаштирилган. Улар ишга туши ши билан ўртача ишлаб чиқариш қуввати 514 миллион квт. соатни ташкил этиши кутилмоқда.

«Тўпаланг ГЭС сув қурилиши» масъулияти чекланган жамияти раиси Абдуғани Сангиновнинг айтишича, сув омборининг биринчи навбати фойдаланишга топширилганда 10 миллион куб метр сув сақлаш қувватига эга бўлган. Истиқлол туфайли ҳукуматимиз томонидан қурилишни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Айни кезларда ҳар икки қурилишда 1200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаяпти, — сўзида давом этди у. —Жорий йилда тўғонга 645 минг куб метр ҳажмдаги тоғ жинслари келтиришимиз лозим. Бугунгача 65-70 фоиз ишлар бажарилди. Ўтган 9 ойда 4 миллиард 123 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Йил охиригача эса 2 миллиард сўмдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, Наманган вилоятидаги «Резаксой» ва Бойсун туманидаги «Ҳангарансой» сув омборларида ҳам минг нафарга яқин фидойи бунёдкорларимиз меҳнат қилишмоқда.

Дарвоқе, сув омборининг қурилишига ҳар куни 2,5-3 минг куб метр ҳажмда тоғ жинслари ташилмоқда. Ер ости иншоотларини қуриш, бурғулаш, бетонлаш юмушлари ҳам жадал давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, рус ва ўзбек нурчиларини, нефтчи-ю, газчиларини, машинасозлару олимларини, тадбиркорларини Ўзбекистонда энг йирик ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш ва Евроосиё энергетика тизими интеграциясини жадаллаштириш бўйича ҳамкорликдаги катта ва қизғин ишлар кутмоқда.

Даврон НОМОЗОВ
«Адолат» мухбири

Суратларда: сув омбори қурилишларидан лавҳалар.
М. ЖУМАЕВ
олган суратлар

*Фракция йиғилишида*

## Иттифоқчилик муносабатлари

тўғрисидаги Ўзбекистон — Россия ўртасида имзолангн шартнома депутатлар муҳокамасида бўлди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни партия раҳбари Дилором Тошмуҳамедова олиб борди.*

Йиғилишда шу йилнинг 14 ноябрь куни давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифи давомида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Юсибжон Нишонов маъруза қилди.

Маърузачи ҳар иккала давлат ўртасидаги ҳамкорлик ришталари, айниқса кейинги йилларда тобора мустаҳкамланиб бораётгани, мазкур шартнома эса ана шу кенг қамровли ҳамкорликнинг объектив ва мантиқий давоми эканлигини таъкидлади .

— Ушбу муносабатлар мамлакатларнинг халқаро терроризм, экстремизм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, психотроп ашёлар, гиёҳванд моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш механизмлари самарадорлигини оширишга кенг имконият яратади,– деди нотиқ.

Эътиборга молик томони шундаки, Москвада имзоланган ҳужжатда «Томонлар одамлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга кўмаклашади», деб белгиланган. Йиғилиш иштирокчилари томонидан бу кўп асрлик маданий ва ўзаро яқин муносабатларга эга бўлган икки давлат фуқаролари учун ниҳоятда муҳим эканлиги эътироф этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан депутат Ойша Охунова сўзга чиқиб мазкур ҳужжатлардаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг зарурати ва аҳамиятига эътибор қаратди. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга киритилаётганида ўз таклифларини билдиришларини маълум қилишди.

Тадбирда, шунингдек, «Адолат» СДП вилоят Кенгашларида бўлиб ўтаётган конференциялар ва умумпартиявий семинарга тайёргарлик кўриш масалалари тўғрисида ҳам сўз юритилди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция аъзолари ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган мавзулар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



*Тадбиркор нима дейди?*

## Кредит фоизи

кам бўлса, ишлаб чиқариш янада ривожланади

*Бугун тадбиркорлик билан шуғулланиб, давлат ва жамиятга наф келтираётганлар тобора ортиб бормоқда. Албатта, бу мустақиллик, озодлик шарофатидир.*

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан тадбиркорлик билан шуғулланиб келяпман. 2003 йили Тошкент шаҳрида "Ўринов" номли хусусий савдо корхонасини ташкил этдим. Аввалига ишни йўлга қўйишда бироз қийинчиликларга дуч келдим. Ҳаракатда баракат, дейди доно халқимиз, Шукрки, саъй-ҳаракатлар, меҳнатлар бесамар кетмади. Бугун иқтисодий аҳволимиз анча мустаҳкам. Хусусий корхонамизда тўрт киши бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиляпти.

Очиғи, яқин-яқинларгача солиқ ходимлари ва бошқа турли назорат ташкилотларининг ортиқча текшир-текширлари қимматли вақтимизни оларди. Ўз ишимиз билан шуғулланиш ўрнига кўпинча улар сўраган ҳужжатларни тайёрлаш билан овора бўлардик. Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида чиқарган қатор Фармон ва қарорлари туфайли эндиликда бу ортиқча оворагарчиликлардан халос бўлдик.

Шу ўринда яна бир гап. Тадбиркорликни том маънода тараққий эттиришда банк муассасалари муҳим аҳамият касб этади. Айтмоқчиманки, банк муассасалари тадбиркорларга кўрсатаётган хизматларини замон талабларига мослаштирсаларгина кутилган натижага эришиш осон кечади. Масалан, биз корхонамизнинг ҳисоб рақамини республика "Ўзтадбиркорбанк"ида очганмиз. Деярли ҳар куни банк мутахассислари билан учрашаман, ажратилаётган кредитлар, уларнинг фоизлари билан қизиқаман. Бироқ, бу фоиз ставкалари, менимча, анча юқори. Ахир банк муассасалари иқтисодий имкониятларини тўла ишга солиб, хориж давлатларидаги юқори сифатли ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш учун менга ўхшаган мижозларга имтиёзли кредитлар ажратиши мумкин-ку! Ўшанда биз фақатгина савдо-сотиқ билан шуғулланмасдан, ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам ташкил этиб, халқимизнинг янада фаровон ҳаёт кечиришига муносиб ҳисса қўшган бўлардик.

Абдуваҳоб ЎРИНОВ,
"Ўринов" хусусий
савдо корхонаси раҳбари

*Фаолият*

*Тойлоқ туманида боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш орқали ширкат ва фермер хўжаликларининг рентабеллигини ошириш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, Россия Федерациясидаги корхоналар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик яхши самара бераётир.*

Бундан 4 йил муқаддам туманнинг Қўрғонча қишлоғида "Тони Грин" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қадоқлашга мўлжалланган мазкур корхона ўтган вақт мобайнида янги технологияларни ишга солиб, юксак сифат ва самарадорликка эришмоқда.

## "Тони Грин" экспортга ишлайди

Дастлабки низом жамғармаси бир ярим миллион АҚШ долларини ташкил этган корхона бугун барча харажатларни оқлаб фойда олиш йўлига ўтган. Бу ерда Италиянинг замонавий технологияси асосида суткасига 1600 тоннагача мева-сабзавот қайта ишланмоқда. Эътиборли томони шундаки, корхона маҳсулотлари ғоят сифатли бўлганлиги боис юз фоиз экспортга жўнатилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида чет мамлакатлардаги мижозларга 2 миллион АҚШ долларига тенг қарийб 20 хилдаги мева, сабзавот шарбатлари ва ҳар хил тузламалар етказиб берилди.

Дарҳақтқат, ҳамкорликда гап кўп. Қўшма корхона ташкил этилгандан сўнг 250 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар ўртача 80-100 минг сўмдан маош олишмоқда.

Қўшма корхона раҳбари Бахтиёр Маҳмудовнинг таъкидлашича, россиялик ҳамкорлар билан биргаликда кичик ҳажмли қадоқлаш линиялари ўрнатилиб, болалар учун мева шарбатлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Энди маҳсулот янада харидоргир бўлиши, корхона маҳсулотлари кўпроқ шуҳрат қозониши шубҳасиз.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

*Тадбир*

## Парламент назорати

фаолиятини такомиллаштириш хусусида

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Конституция қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб "Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди, Бош прокуратура вакиллари ҳамда қатор мутасадди вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, доцент Ф.Отахонов бошқарди. Иштирокчилар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда амалда қўллаш механизмини такомиллаштиришда парламент назоратининг ролини ошириш муаммоларини атрофлича муҳокама қилишди.

Маълумки, қонунчиликда парламент назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси устидан назорат;

— Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича назорат;

— Президентнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Фармонларини тасдиқлаш;

— Давлат бюджетининг ижросини назорат этиш;

— Президентнинг давлат органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳамда мансабдор шахсларни тайинлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органлари раҳбарлари ҳисоботларини (Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Марказий банк, Бош прокурор) эшитиш киради.

Демак, парламент назорати тушунчаси кенг маънода юқорида қайд қилинган барча асосий йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу назоратнинг мақсади қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижтимоий ҳаётдаги ижросини пухта ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратилишини таъминлашдир.

Семинарда иштирокчилар томонидан парламент назоратига оид тушунчаларга аниқлик киритиш, улар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан парламент назорати ижро механизмини яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Шунингдек, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда парламент назорати бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Музаффар
АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» мухбири

## «АДОЛАТ»га обуна бўлдингизми?

Адолат мезони, адолат тамойили сизга доимо ҳамроҳ бўлишини истасангиз «Адолат» газетасига обуна бўлинг.

Нашримиз келгуси йилда ҳам Сиз, азиз газетхонларнинг адолатли фикр-мулоҳазаларингизни ўз саҳифаларида чоп этишга бел боғлаган. Айни пайтда барча алоқа ва почта бўлимларида 2006 йил учун «Адолат» газетасига обуна давом этмоқда.

Азиз муштарий! Ижтимоий ҳаётдаги долзарб мавзуда ёзилган мақолаларни ўқий десангиз — «Адолат»га обуна бўлинг!

Дарвоқе, кейинги йилдан газетамиз ҳар ҳафтада икки маротаба чоп этилади.

Нашр кўрсаткичи – 100

*Партия кўзгуси*

*"Адолат" СДП Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Иштирокчилар партия Кенгаши фаолиятини янада кучайтириш, аъзолар сафини кенгайтириш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.*

Маълумки, "Адолат" СДПнинг ҳаракат дастуридаги бош масалаларидан бири халқ ишончини қозониш. Албатта, бунга фақат бир йўл — бугунги бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва жамият ривожининг, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ иқтисодий соҳада бўлсин, халқ билан елкама-елка бўлиш, эл корига яраш орқалигина эришиш мумкин. Бунда наинки партия, балки шахснинг ҳам муҳим ўрни бор. Қолаверса,

# Халқ ишончи

## фаолиятимиздаги энг катта ютуқ

пленумда шаҳар партия ташкилотининг ўтган икки-уч йиллик фаолиятига танқидий баҳо берилдики, ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда Наманган шаҳрида партия фаоллари ва аъзоларининг сони камайиб кетганлиги туфайли иқтисодий-ижтимоий ва демократик жараёнларда етарлича иштироки таъминланмаётир.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Александр Сатторов ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Унинг ўрнига партия фаоли - Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ходими Акрамжон Тўраев Кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда сўзга чиққан партия вилоят Кенгашининг биринчи котиби Комилжон Абдуллаев шаҳар партия ташкилотининг олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида фикр юритди. Маърузачи иштирокчилар эътиборини партиянинг ягона марказий нашри — "Адолат" газетасининг 2006 йил учун обунасини уюшқоқлик билан ташкил этиш масаласига қаратди.

Нотиқ фикрлари йиғилганлар томонидан маъқулланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Адолат" мухбири**

* * *

*"Адолат" СДП мақсад ва вазифалари қуйи бўғиндаги партия ташкилотлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Негаки, фаолиятни жонлантириш бевосита партиянинг жойлардаги фаолиятига боғлиқдир. Термиз шаҳар партия Кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шу хусусда сўз борди.*

Ҳар бир сиёсий партия халқ орасида обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилиши табиий ҳол, албатта. Ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш эса партиянинг нуфузи, мавқеига путур етказади. Термиз шаҳар партия Кенгашининг навбатдаги анжуманида фаолиятнинг барча қирралари таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам алоҳида таъкидланди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, бадаллар тушумини йўлга қўйиш, аъзолар сафини кенгайтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан саналди.

Анжуманда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Шоҳида Жумаева сўзга чиқди. У шаҳар Кенгашининг олдида турган ўта муҳим вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Шундан сўнг ташкилий масала кўриб чиқилди. Шаҳар Кенгаши биринчи котиби этиб, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш марказининг Термиз филиали директори Зокиржон Сафаров сайланди.

Йиғилиш сўнгида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Тошкент давлат тиббиёт академиясининг Урганч филиали мажлислар залида «Адолат» СДПнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг устувор йўналишлари муҳокама қилиниб, уни ҳаётга татбиқ этиш ва бу ҳақда кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш каби масалалар кўриб чиқилди. Тадбирда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Нурмат Эшматов сўзга чиқиб, йиғилганларга дастурнинг аввалги дастурлардан фарқи, киритилган қўшимча ва янгиликлар хусусида маъруза қилди.

Анжуман сўнггида жорий йилнинг 17 декабрь куни бўлиб ўтадиган партиянинг умумконференциясига делегатлар сайланди.

**А. МУЗАФФАРОВ,**
**«Адолат» мухбири**

*Анжуман*

# Ҳар бир оилага

**кафолатланган турмуш шароитини яратиш ҳаракатларимиз мазмунига айлансин, дейишмоқда «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллари**



*«Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши партиянинг дастурий ғояларини амалга оширишда, унинг омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашда ташаббускорликни қўлдан бермаётир. Шу боис вилоят партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференциясида ҳам иштирокчилар кун тартибидаги ғоят муҳим масалаларни муҳокама этишда ҳозиржавоблик ва уюшқоқлик хислатларини яна бир карра намойиш этдилар.*

Гап «Адолат» социал-демократик партиясининг 2006-2010 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг стратегик йўналишларини белгилаб олиш хусусида бўлганлиги учун ҳам қатнашчилар бу борада билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эътибордан четда қолдирмади. Анжуманда дастлаб партиянинг Самарқанд вилоят Кенгаши биринчи котиби Жуманиёз Алибеков янги Ҳаракат дастури лойиҳаси бўйича маъруза қилди.

— Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари, мамлакатни модернизациялаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш нодавлат ташкилотлари, жумладан сиёсий партиялар олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда, — деди нотиқ. — Жамиятдаги ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро учун кафолатланган турмуш даражасини таъминлаш дастуримизнинг устувор вазифаларидан. Суҳбатимиз фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш ҳақида борар экан, партиямиз инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш ташаббуси билан чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларда жамиятга эгалик ҳиссини кучайтирибгина қолмай, уларнинг ислоҳотларга бўлган муносабатини шакллантиради.



Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш «Адолат» СДПнинг асосий мақсадларидан бири бўлгани боис партия янги Ҳаракат дастурида бу вазифага янада аниқлик киритишни лозим топмоқда. Жумладан, фуқароларни, кам таъминланган оилаларни адресли ҳимоя қилиш ва бу борада ижтимоий адолат мезонларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини зарур деб ҳисоблайди. Вилоят Кенгаши қатор ҳомий ташкилотлар кўмагида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Йил бошидан буён кам даромадли оилаларга 25 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани фикримизнинг далилидир.

Музокарада сўзга чиққан Каттақўрғон туман партия Кенгашининг биринчи котиби Собир Мингбоев юқоридаги фикрларни қувватлаб, ислоҳотлар жараёнида бошқарув идораларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари жамоатчилик назоратидан четда қолмаслиги, мулкдор фермерларга нисбатан ҳамма жойларда адолатли муносабат ўрнатиш зарурлигига эътиборни қаратди.

— Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни кучайтириш борасида партиямизнинг қонунчилик палатасидаги фаолиятини маъқуллайман, — дейди конференция иштирокчиси Норбуви Нурматова. — Чунки, фуқаролик жамиятида ҳаётни қонунлар бошқаради. Бу қонунлар қанчалик мукаммал бўлиши эса мамлакат тақдирини белгилайди.

Иштихон тумани бошланғич партия ташкилоти котиби Аҳмад Рўзиев музокарада сўзга чиқиб, эътиборни яна бир муаммога қаратди. — Бугун хорижга бориб ишлаётганларнинг аксарияти ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаган. Шу боис партиянинг янги ҳаракат дастуридан айни шу масала ўрин олиши ва у Қонунчилик палатасида ҳам зарур ҳуқуқий баҳо топиши керак деб ҳисоблайман.

Музокараларда партиянинг аграр соҳадаги сиёсатини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш, қишлоқда ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлаш хусусида фикрлар билдирилди. Чунончи, қишлоқ хўжалигида банд бўлган барча тоифадаги мулкдорларга бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда тенг шароитларни яратиш, қишлоқни саноатлаштириш жараёнларини кучайтириш ва шу йўналишдаги инвестицияларни рағбатлантириш сингари масалалар муҳокама марказида бўлди.

Конференцияда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбари сиёсий партиялардан ислоҳотлар жараёнига, жамият ривожига демократик ўзгаришларга кучли туртки бўладиган ташаббуслар кутмоқда, — деди партия раҳбари Дилором Тошмуҳамедова. — Шу боис партиянинг сайловолди дастуридаги вазифалар билан чегараланиб қолмай, сиёсий фаолият йўналишларини янада аниқлаштиришимиз, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз зарур.



Шунингдек, Сиёсий Кенгаш саркотиби Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат юзага келаётганини таъкидлаб, шундай муҳит қуйида ҳам яққол сезилиб туриши зарурлигини таъкидлади.

— Бизнинг тарафдорларимиз кўпчилик, — фикрини давом эттирди нотиқ. — Чунки, дастуримиз халқчил, адолат сўзининг ўзи ғоят жозибадор. Бироқ ана шу жозибадорлик амалий ишларда ўз ифодасини топсагина, ҳақиқий аҳамият касб этади.

Сўнгра нотиқ партиявий-ташкилий ишларни янада такомиллаштириш, хусусан «Адолат» СДП аъзоларини рўйхатга олиш, кадрлар захирасини яратиш сингари вазифаларини кечиктирмаслик, бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эътиборни қаратди. Ўз навбатида конференция иштирокчилари жойлардаги партия ташкилотлари билан сиёсий Кенгаш ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўртасида бевосита амалий алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлаб, келгуси мулоқотлар янада самаралироқ бўлишини истаб қолдилар.

Конференция сўнггида яқинда бўлиб ўтадиган «Адолат» СДП умумпартия конференциясига делегатлар сайланди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат» мухбири**

Суратларда: конференция иштирокчилари.
Муаллиф олган суратлар








*Диққат, янги рукн: таҳлил, талқин ва қиёс*

*Мустақилигимизнинг ўн тўрт йили мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришларга бой бўлди. Бу йиллар мобайнида иқтисодиётнинг жадал ва изчил ўсиши таъминланди. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик юзага келди. Барча соҳа ва тармоқларда мутаносиблик кучайиб, уларга давлат иштирокини камайтиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга татбиқ этила бошланди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.*

*Таҳририятимиз мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксалишларни ва ислоҳот одимларини изчил ёритиб бориш мақсадида янги - «Таҳлил, талқин ва қиёс» деб номланган рукн очишни мўлжаллади. Ушбу рукн остида берилаётган илк мақола жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ этиш ғоясидан келиб чиқиб, республикамизда кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик соҳалари ривожининг таҳлили, талқини ва қиёсига бағишланди.*

* * *

ТАФАККУР

«Бизнинг пировард мақсадимиз — инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншооллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади...» Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1999 йил 29 июнь куни республикамиз оммавий ахборот воситаларида чоп этилган «Ҳушёрликка даъват» номли асаридан олинган мазкур иқтибосни яна бир бор ўқир эканмиз, мустақилликнинг ўтган ўн тўрт йили ичида инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган, маърифатли жамият барпо этиш йўлида асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлигига амин бўламиз.

# Кафолатли ҳуқуқ

*2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,2 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврида 6,2 фоизга тенг эди.*

Биргина жорий йилнинг июнь-июль ойларида тадбиркорлик субъектларининг ривожига доир Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари эълон қилиндики, бу ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ҳамда аҳамиятини тубдан оширишга қаратилган.

Ривожланган мамлакатларда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — хўжалик юритувчи субъектлар, яъни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни доимо қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли тарзда муҳофазалаш билан боғлиқдир. Бунинг самараси ўлароқ, ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда биргина кичик бизнес улушига барча корхоналарнинг 90-95, ялпи миллий маҳсулотнинг эса 20-60 фоизи тўғри келмоқда.

*Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида 29,1 фоизга, 2005 йилнинг шу даврида эса 30,9 фоизга етди.*

Дарвоқе, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида ҳам жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланган тақдирдагина чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти қуриш мумкинлиги ўз ифодасини топган. Дастурда, шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳуқуқий маданиятини мунтазам ошириб бориши зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланган.

*Давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес корхоналарининг сони 305 мингта бўлди. Ҳозир уларнинг 252,8 мингтаси ёки 82,9 фоизи самарали фаолият кўрсатмоқда.*

Кичик бизнеснинг бозор коньюктураси ўзгаришига тезкор жавоб бериш хусусияти бозор иқтисодиётининг мослашувчанлигига катта таъсир кўрсатмоқда. «У ўзининг фаолият соҳаси ва ихтисослашувини тез ўзгартира олиши туфайли фан-техника янгиликларини фаол ўзлаштириш имконига эга, - дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, палатадаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Худоёр Маматов. — Кичик бизнес рақобат муҳитининг ривожланишига ёрдам беради ва шу билан бирга иқтисодиётнинг монополлашув даражасини камайтиради. У келажакда мулкдорлар шаклланишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Ҳажмининг кичиклиги — унинг оммавийлигини таъминлайди, янги ишчи ўринларини яратишда амалиётда қўл келади.»

Мамлакатимизда нисбатан қисқа вақт ичида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган тегишли ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги ва бошқа қонунларимиз улар фаолиятини ташкил этишда бир қанча имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва ҳимоялашга кафолат берди. Чунончи, янги ташкил этилаётган субъектларни рўйхатга олишни енгиллаштириш, юқори ликвидли маҳсулотлар (хомашё ва материаллар)ни очиқ биржа савдоларида сотишни ташкил этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сертификатлашга доир қарорлар қабул қилинди.

*Кичик бизнес субъектларининг 6,3 фоизи (ёки 15,9 мингтаси) кичик корхоналар, 93,7 фоизи (ёки 236,8 мингтаси) микрофирмалардир.*

Бу сингари чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, сўнгги йилларда халқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олди, аҳолининг ўз мулки ва меҳнати натижаларига эгалик туйғуси, кичик ва ўрта мулкдорлар синфи шаклланишига йўл очилди. Пировардида, мамлакат бўйлаб қисқа вақт ичида тадбиркорлик шакллари сон ва сифат жиҳатдан жадал ривожланиб, мамлакат иқтисодиёти ҳамда аҳоли турмуш даражаси кўтарилишига салмоқли ҳисса қўшди.

*Фермер хўжаликлари ихтиёридаги умумий ер майдонлари 3666,4 минг гектарни ташкил этмоқда. Бу — ҳар бир хўжаликка ўртача 30,1 гектар ер майдони тўғри келаяпти, дегани. Уларда 780,4 минг киши иш билан таъминланган.*



КИМ КЎПЛАБ КИШИЛАРГА БАХТ ИНЪОМ ЭТСА, ЎША ЭНГ БАХТЛИ ОДАМДИР. *Дидро*

*Ҳамкорликришталари*

# Қадимий маданият сарчашмаси

ёки Италия элчиси жаноб Анжело Персиани самарқандлик талабалар билан дўстлашгани хусусида

*Мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Самарқанд Давлат чет тиллар институти жаҳон андозаларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини такомиллаштириб, малакали мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Бу борада хорижий давлатларнинг тилшунослик йўналишидаги ўқув муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани, айниқса салмоқли аҳамият касб этмоқда.*

Яқинда институтда итальян тили филологияси бўлими фаолият юрита бошлади. Шу муносабат билан Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Анжело Персиани олийгоҳга ташриф буюриб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар меҳмони бўлди.

Ўзаро самимий мулоқот руҳида ўтган учрашувда Италия элчиси самарқандлик талабаларнинг хорижий тилларни ўрганиш борасидаги интилишлари ва бу борада институтда яратилган шарт-шароитлардан мамнуният изҳор этди. Ўз навбатида, у элчихона мазкур ўқув даргоҳида итальян тили филологияси бўлими фаолиятини йўлга қўйишга ўз ҳиссасини қўшишини, олий таълим йўналишидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам ривожланиб боришини таъкидлади.

Дарвоқе, бугун Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёшларга маҳаллий ўқитувчилар билан бирга хориждан келган кўпгина етук мутахассислар таълим бермоқда. Италиялик моҳир тилшунос-педагоглар Жаванни Виале ва Массимо Тоскани ана шулар жумласидандир. Улар дунё маданиятининг сарчашмаси ҳисобланган Италия тарихини самарқандлик ёшларга ўргатиш баробарида икки мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганидан беҳад мамнун.

Т. ЗОҲИРОВ,
«Адолат» мухбири

*Удумларимиз халқимиз маънавий меросининг жавоҳирларидир. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги бутун дунё халқларига маълум. Бу қутлуғ удумимиз ҳақида қадимдан афсона ва ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб келади.*

Дарвоқе, «Меҳмон отангдай улуғ», деган ҳикмат ҳам бизнинг доно халқимизга мансублиги бежиз эмас. Бироқ баъзан шундай «меҳ-

# Ортиқча такаллуф

меҳмон кутишда жоизми?..

(«Меҳмон келса эшикдан...» мақоласи, «Адолат», 2005 йил 9 сентябрь, 37-сон)

мондорчилик»ларга гувоҳ бўламизки, беихтиёр: «Бу қадар дабдабага ҳожат бормиди?» деб ўйга толамиз. Махсус ошхоналардаги махсус меҳмон кутувчи «мезбонлар»ни кўрганмисиз? Бундай мезбонларнинг ошхонасига, одатда, назоратчи, юқори ташкилотлардан келган вакиллар «ҳурматли меҳмонлар» сифатида ташриф буюришади. Улар учун ёзилган дастурхонда хилма-хил лаззатли таомлар, спиртли ичимликлар, турли хил яхна овқатлар, мева-чевалар ошиб-тошиб ётади. Хўш, бу егуликларга кетган харажатлар қандай қопланади? Қолаверса, бу исрофгарчиликларга йўл қўйиш эмасми!? Ҳадисда: «Расулуллоҳ меҳмон учун ортиқча такаллуфни ман этганлар», дейилган. Биз эса...

Яқинда бир «ёғлироқ» жойда ишлайдиган танишимизникига меҳмонга бордик. У ўзи истиқомат қиладиган маҳалла кўзи ўнгида, ойлик маошидан бир неча баробар катта маблағни талаб қиладиган, икки қаватли кошона қурган. Бизни меҳмон қиларкан, бойлигини кўз-кўз этиб, мақташдан нарига ўтмади. Унинг бундай муносабати дилимни хира тортирди. Дастурхон устида меҳмонлар учун ҳамма нарса муҳайё эди, бироқ фақат самимият, маънавият етишмасди, холос.

Мен унга: «Хўп замонавий уй қурибсан, булар ҳаммаси яхши, шу уйингга қари ота-онангни олиб келиб яшасанг, фақат ўзингни ўйламасдан, қариндош-уруғларингни ҳам ўйласанг бўлмайдими?» дедим. Бу гапим унга ёқмади. «Менга ақл ўргатма, оғайни, буларни сенсиз ҳам яхши биламан», дея жавоб қилди. Тўғри, танишимнинг меҳмондорчилигига гап йўқ. Аммо меҳмондўстлик-чи, одамгарчилик-чи?.. Чинакам инсоний фазилатлар унинг дунёқарашини, қалбини аллақачон тарк этган.

*Акс-садо*

Меҳмондўстлик азалдан шаклланган, ўзининг тартиб-қоидасига эга бўлган улуғ қадриятларимиздан. Биз эса, айрим ҳолларда, меҳмондўстликни юқоридаги каби ўзимизни кўрсатиш, мақтаниш воситасига айлантириб қўйдик. Меҳмондўстлик маънавиятимизнинг ҳақиқий тимсоли бўлиб қолмоғи керак. Шундай экан, меҳмон кутишда ҳеч қачон исрофгарчиликка йўл қўймайлик, ўзимизни кўз-кўз қилишдан сақланайлик. Зотан, ҳадисларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб этилади: «Аллоҳнинг нознеъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар».

Насриддин БОТИРОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими

*Спорт*

## Халқаро турнир якунланди

*Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида фахрийлар ўртасида бадминтон бўйича ўтган халқаро турнирда ҳамюртларимиздан ташқари Индонезия, Россия, Қозоғистон ва Жанубий Кореядан келган юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.*

40 ёшдан 55 ёшгача бўлган фахрийлар ўртасидаги яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Билол Аъзамов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Аёллардан эса Қозоғистон вакиласи Татьяна Харченко ғолибликни қўлга киритди. Жуфтлик беллашувларида ўзбекистонлик Билол Аъзамов ва Олег Кузаев барча рақибларини мағлубиятга учратди. Аёллар ўртасида қозоғистонлик Светлана Саниева - Татьяна Харченко жуфтлиги зафар қучди.

56 ёш ва ундан катталар ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли курашларга бой бўлди. Яккалик баҳсларида эркаклар ўртасида ҳамюртимиз Владимир Рибкин зафар қучган бўлса, аёллардан Динара Илҳомжонова биринчи ўринни қўлга киритди. Жуфтликда ўзбекистонлик Асрор Тўлаганов ва Владимир Рибкин жуфтлиги барча рақибларини ортда қолдирди. Аралаш беллашувларида ҳамюртимиз Владимир Рибкин ва қозоғистонлик Светлана Саниева ғолиб бўлди.

## Олмаотадан медаллар билан

*Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида акробатика бўйича ўтган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринларни қўлга киритди.*

Ака-ука Нажибулло ва Ҳабибулло Бобомуродов, Акром Абдуллаев, Сергей Каспарян, Илҳомжон Султонов, Нурмурод Дуйсенов ва Бахтиёр Хўжаев кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, спортчи қизларимиздан Арофат Қодирова, Евгения Страганова ва Мадина Набиева олтин медални қўлга киритган бўлса, Евгения Лушникова, Анна Абляева, Ирина Хван кумуш медаль билан тақдирланди.


Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86 136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-55-64
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — А. Отабоев
Навбатчи — А. Суюнов
Мусаҳиҳ — Н. Муҳсимова
Саҳифаловчи — Л. Турсунов

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 100
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси —100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —


*Ҳаёт сабоқлари*

*Ҳикоя*

# КУРСИ

Замонали Давроновичнинг вилоятдаги нуфузли корхонада бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаётганлигига ҳам ўн йилдан ошди. Бошлиқ бошқа ишга ўтганига бир ой бўлди ҳамки, уни бу вазифага тасдиқлаш учун вазирликка чақиришмаётганидан безоталаниб, эски танишига қўнғироқ қилди.

— Эртага соат саккизга етиб келинг. Янги вазир қабулига кирасиз, - деди таниши.

Телефон гўшагини қўяр экан, у беихтиёр ўйланиб қолди: «Укам тўғрисида сўраса нима дейман? Сўрамаса керак. Мабодо сўраса-чи? Тонсаммикан?!»

Ҳашаматли бинонинг юқори қаватида жойлашган вазир қабулхонаси томон юрар экан, ҳамон хаёлини ўша ташвишли ўй безовта қиларди. Қабулхонадаги чармли юмшоқ диванда хотиржам ўтира олмади, ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрди, ўзини босиб олишга ҳарчанд уринмасин, барибир, сўровномага «йўқ» деб ёлғон ёзилгани эсига тушиб, ҳаяжони ортаверди. Юрагини алағда қилаётган шубҳа энди қўрқувга айланди: назарида оёқ-қўллари, бутун вужуди қалтираётгандек туюлди.

Котиба телефон гўшагини кўтариб, «хўп» деди-да, Замонали Давроновичга «киринг», дея ишора қилди. Шинам, катта ёруғ хонанинг тўрида янги тайинланган вазир кўзойнак тақиб, нималарнидир ёзиб ўтирарди. Унинг уст-боши оддийгина. Замонали Давронович ўзининг эгнидаги қимматбаҳо костюмдан ўнғайсизланди.

— Келинг, — деди вазир кўзойнагини қўлига оларкан ўрнидан туриб. - Марҳамат, ўтиринг.

Салом-аликдан сўнг иш юзасидан улар анча суҳбатлашишди. Вазир қўл остидаги ҳужжатларни варақларкан, «қариндош-уруғлардан ҳеч ким қамалмаганми?», дея бошини кўтармасдан савол берди.

Замонали Давроновичнинг бошидан қайноқ сув қуйилгандек бўлди. «Нега бу саволни берди, бирортаси укам Холиднинг қамалганини етказдимикан? Тўғрисини айтсам-чи? Йўқ, айтмайман. Айтсам тамом!»

— Йўқ, ҳеч ким қамалмаган.

— Холид сизнинг укангизми?

— Қайси Холид?

— Арслонов.

— Йўқ, у ... шунчаки фамилиядош.

— Сиз у кишини кўриб турасизми?

— Анча бўлди... кўрмаганимга.

ТАФАККУР

«Чакки иш қилдимми дейман, тўғрисини айтсам бўлармиди. Вазир қишлоқдаги оддий ишчи укам билан нега бунча қизиқиб қолди?»

— Уч кундан сўнг мен бораман. Бошқа гапларни ўша жойда гаплашамиз, - деди вазир суҳбатни якунлаб.

Тўрт соат қандай ўтгани унинг ўзигагина аён эди. Корхонага қайтиб келганида иш вақти тугаб, котиба қиз эшикни бекитаётганди. Раҳбарнинг хомуш кайфиятда кириб келишини кутмаган котиба: «Тасдиқдан ўтмадимикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Кимсан Замонали Давронович! Вилоятда уни танимайдиган одамнинг ўзи йўқ», деган фикрга борди. Замонали Давронович котибага жавоб бераркан, ўнг тарафдаги «БОШЛИҚ» деб ёзилган эшикка маҳзун нигоҳ ташлаб, хонасининг эшигини очди.

Вазир келгунча ишхонада тартиб-интизомни кучайтириши, теварак-атрофни саришталаб, дарахтларни, йўлак четларидаги бетон ҳошияларни оқлаб, ўзини кўрсатиши керак эди. Уч кун ичида ишчиларга тинчлик бермасдан, бу юмушларни бажарди. Уст-бошини ўзгартириб, жўнроқ кийинишни ҳам унутмади.

Хизмат машинасидан тушган камтарин, камсуқум инсоннинг вазир эканига оддий ишчилар ишонқирамай қарашди, бироқ у қоровулдан тортиб ҳамма билан бир-бир қўл бериб сўрашиб чиқди.

— Далани айланиб келайлик, кейин кабинетга кирамиз, - дея илтифотни рад этди вазир. Сўнг Замонали Давроновичнинг хизмат машинасига ўтираркан, ундан Холидни сўради.

— Билмадим, уйида бўлса керак...

— Ўша томонга борайлик, уни кўришим керак.

— Чақиртирамиз, йўллари нотекис, чанг. Уриниб қоласиз.

— Ҳечқиси йўқ, пиёда эмасмиз-ку.

Ҳайдовчи машинани кўримсиз уй ёнига тўхтатди. Чақириб чиқ, деди шофёрига Замонали Давронович. Вазир машинадан тушиб, сувоқлари кўчган пахса деворли уйга кўз югуртираркан, ён тарафдаги ҳашаматли баланд иморатни кўрсатиб: «Бу қанақа ташкилот?», деб сўради. У вазирнинг ўткир нигоҳига дош беролмай кўзини олиб қочди ва чайнала бошлади. Чунки бу унинг қишлоқдаги «дача»си эканини вазир билмасди. Шу топда қўлида кетмон кўтарган, юзлари қуёш нуридан қорайган Холид кўриниб вазиятни бузди.

— Ассалому алайкум, Холиджон, сиз йўқламасангиз ҳам биз келдик.

— Хуш келибсиз! Сиз учун эшигимиз доимо очиқ, ака!

Иккаласининг қучоқ очиб кўришганини кўриб, Замонали Давронович ҳангу манг бўлиб қотиб қолди.

«Оддий кулба»да вазир билан Холид узоқ вақт суҳбатлашишди. Уларнинг нима ҳақида суҳбатлашаётгани ташқарида турган Замонали Давроновичга сир эди. Бир маҳал улар ичкаридан чиқиб келишди.

— Сизлар ака-укамисизлар ёки оддий фамилиядошмисизлар? - деди шунчаки гапиргандек оҳангда.

—Ҳа... ака-укамиз...

Вазир Холидга ўзининг «визитка»сини узатаркан, келинни, болаларни олиб, меҳмон бўлиб боришини қайта-қайта таъкидлади. Холид пахта-йиғим теримидан сўнг, албатта, боришларини айтиб, меҳмонни кузатди.

Машина ўрнидан жилди. Вазир ҳаёт синови елкасига тушган ўтмиш кунларини эслади.

... «Пахта иши» деб, ноҳақ айбланиб ҳибсхонадан зонага ўтказилганда, Холид унинг жонига оро кирди. Танасига тошиб кетган яраларга ҳар хил доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳамни суркаб, даволаган ҳам Холид эди. Улар ўртасидаги ҳурмат, меҳр-оқибат ўшанда пайдо бўлганди. Шулар ҳақида ўйларкан, вазир ёнгинасида ўтириб келаётган Замонали Давроновичга қайрилиб қарагиси ҳам келмасди: «Наҳотки амал курсисини деб ўзининг туғишган укасидан ҳам тонса?! Бундай инсондан қанақа раҳбар чиқиши мумкин?! Нега у Холидга ўхшамаган?»

Вазир у билан хайрлаша туриб шундай деди: «Ишламаган кишигина хато қилмаслиги мумкин. Ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша гуноҳи бор. Ҳамма қатори биз ҳам камчиликдан холи эмасмиз. Лекин бу дунёда ҳеч ким ҳеч нарсадан кафолатланган эмас».

...Ўша пайтлар Холид институтни битириб, марказдаги йирик банкда икки йилча ишлаган эди. Бироқ кексайиб қолган онаси: «Ёнимга келмасанг бўлмайди, бир оёғим гўрда, келин ҳам юкли, раҳматли отангдан қолган уйга сен эгалик қилгин, жон болам», дея кўз ёши қилганида, яхшигина ишини ташлаб, қишлоққа онасининг ёнига келганди. Хўжаликда бош ҳисобчига ёрдамчи бўлиб, бир йил ишламасдан ёзув-чизув бошланиб, раисга ва бош ҳисобчига қўшилиб, арзимаган айб билан «иш» олиб кетганди. Ўшанда акаси ёрдам бериш ўрнига амалидан қўрқиб, касалхонага ётиб олганди...

Вазирнинг машинаси ортидан қараб қолган Замонали Давроновичнинг кўз олдида Холид гавдаланди.

...Қамалганида бирон марта ҳам кўргани бормаганди. Оиласига қарашиш у ёқда турсин, қишнинг совуқ кунида тўрт яшар ўғлини етаклаб, юки билан автобус бекатигача чиқариб қўйишни илтимос қилган келинини ўринсиз сўзлар билан койиб, «Эрингнинг ортидан бориб хабар олиб юрмагин, қилган ишига яраша жазосини олсин, ўлмаса келар, менинг ишим кўп», деб жавоб берган эди.

Замонали Давронович сигарета қолдиғини жаҳл билан ирғитаркан, шофёрига:

— Ҳайда, - деди.

— Қаёққа?

— Укам Холидникига!

Алмамат АБДУЛЛАЕВ,
Булунғур тумани



*Шифокорлик кишидан катта билим ва малака, ўз ишига юксак масъулият ҳамда фидойилик талаб этади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган шифокорлар эл ардоғига сазовор бўлишади. Бекободлик тажрибали шифокор Қосимжон Жўраевни ҳам кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Негаки, у ўттиз йиллик иш фаолияти давомида юзлаб беморлар дардига дармон бўлган. Қўли енгил шифокорнинг жонкуярлиги, фидойилиги, қолаверса, ширин сўзи туфайли юзлаб кишилар шифо топишган.*

*Саломатлик посбонлари*

# Шифокор бахти

Қосимжон ака тумандаги 6-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ шифокорлик касбига меҳр қўйган эди. Бу меҳр ва қизиқиш уни Андижон давлат тиббиёт институти сари чорлади. У синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинди.

- Ўша кун умрбод ёдимдан кўтарилмайди, - дея хотирлайди у. - Чунки мен айни шу куни болаликдаги орзуимни рўёбга чиқариш учун илк қадам қўйгандим.

Дарҳақиқат, бўлғуси шифокор учун талабалик йиллари унутилмас таассуротлар қолдирди. Меҳр қўйган касбининг барча сир-асрорларидан воқиф бўлиш учун тинмай ўқиди, ўрганди, изланди. Шу боис бўлса керак, олийгоҳни тугаллаган ёш мутахассисга Бекобод шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида иш бошлаш қийин кечмади. Қолаверса, катта тажрибага эга шифокорлар уни ёлғизлатиб қўйишмади. Лозим бўлганида иш тажрибалари билан ўртоқлашишди, маслаҳатлар беришди. Бир сўз билан айтганда, ўтган йиллар унинг учун катта мактаб вазифасини ўтади.

- Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда беморнинг аҳволини доимий назорат қилиб бориш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам беморларнинг тузалиб кетганига ишонч ҳосил қилсам-да, кейинчалик уларнинг ҳолидан хабар олиб тураман. Негаки, соғлом инсон, соғлом миллат юрт бойлигидир, - дейди Қосимжон ака суҳбатни давом эттириб.

Ҳа, Қосимжон ака ана шундай куюнчак, жонкуяр инсон. Пайғамбар ёшини қаршилаётган бўлишига қарамасдан, худди ёш йигитлардек серҳаракат, бирон-бир эзгу амални бошлагудек бўлса, охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Шу боис бугун Қосимжон аканинг шахсий архивига мурожаат қилсангиз, кўплаб мақтов ёрлиқлари, мукофотларга кўзингиз тушади. Энг асосийси, ундан шифо топган инсонларнинг самимий дил сўзлари битилган номалар... Шифокор учун бундан ортиқ бахт, бундан юксак мукофот бўлмаса керак.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ

Газетанинг навбатдаги 49-сони 8-декабрь куни чоп этилади.


## Азиз юртдошлар!

Республикамизнинг энг йирик ва ишончли банкларидан бири акционерлик тижорат "Ғаллабанк"и мижозларга барча турдаги тўловларни тезкор ҳамда аниқ амалга ошириш имконини берувчи пластик карточкалар хизматини таклиф этади.
РАТБ "Ғаллабанк" пластик карточкалари пул маблағларингизни ишончли сақланишининг доимий кафолатидир.
Замонавий банк амалиётида кенг тарқалаётган қулай тўлов воситасидан фойдаланинг!
"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!!!
Мурожаат учун телефонлар: 133-98-80, 132-16-55
Ишонч телефонлари: 136-74-30, 136-16-55





КЎП БИЛИШГА ЭМАС, КЎП ФИКРЛИЛИККА ИНТИЛМОҚ ЛОЗИМ. **Демокрит**